

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Мукаррама Турғунбоева ва қирқ гўзал” деб номланган адабий мусиқий кеча бўлиб ўтди

26.05.2017

2017 йил 25 май куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг катта мажлислар залида М.Турғунбоева номидаги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат халқ ракс ансамблининг 60 йиллигига бағишланган “Мукаррама Турғунбоева ва қирқ гўзал” деб номланган адабий мусиқий кеча бўлиб ўтади. Тадбирда таниқли санъаткорлар, маданият ходимлари, шоирлар, ёзувчилар ва ракс санъати мухлислари иштирок этдилар.



Тадбирни очик деб эълон қилар экан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори вазифасини бажарувчи У.Тешабоева кеча иштирокчиларини қутлади ва “Баҳор” ансамбли тарихи ҳақида маълумот берди. “Баҳор” халқ ракс ансамбли 1957 йилда Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева бадий раҳбарлиги ҳамда Б.Алиев ва Қ.Дадаевлар мусиқа раҳбарлигида ташкил этилган. 1964 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ансамбль унвонига сазовор бўлган. 1979 йилда ансамблга М.Турғунбоева номи берилган”, - деди У.Тешабоева.



Тадбирда “Баҳор” рақс ансамблида турли йилларда фаолият кўрсатган раққосалар ва созандалар: Н.Зулинова, М.Йўлдошева, М.Эргашева, Н.Шерматов, М.Шокировлар сўзга чикиб, ансамблда ишлаган раққоса кизлар, хореографлар ва мусикачилар ҳақида хотирладилар. “Баҳор” ансамбли ижрочиларини Тошкент Хореография билим юртини тамомлаган раққосалар ва Тошкент давлат консерваторияси, Ўзбекистонда мусиқа мактабларини тугатган жўрнавот созандалар, хонандалар ташкил этади. З.Раҳматуллаева, Д. Керимова, Н. Атаманова, Т.Юнусова, А.Тўлаганова, Д.Абдуллаева, Н.Баширова, Э.Расулхўжаева, К.Раҳматуллаева, Н.Алимбоева каби раққосалар, Б.Алиев, Р.Ҳамдамов, Э. Каримов, Қ.Дадаев, Р.Акбарбеков, Ў.Ризаев, С.Тўхтасинов, Б.Холиқов, К.Носиров, К.Комилов сингари созандалар ҳамда О.Матёқубов, Б.Йўлдошев ва бошқа хонандалар ансамблнинг дастлабки иждокорларидир”, - деди Ўзбекистон халқ артисти М.Эргашева.



Санъатшунос Е.Қори-Ёқубова ансамблга турли йилларда раҳбарлик қилган Қ.Миркаримова, Р.Шарипова ва М.Эргашевалар хизматини алоҳида таъкидлади. “Ансамбль репертуарини янада

бойиши ва жаҳонга танилишида 1960-70 йилларда ансамблга келиб қўшилган М. Эргашева, Г. Фозилжонова, Ў. Муҳамедова, Г.Жўраева, Ф.Низомитдинова, Д.Зиёхонова, Р.Низомова, Р.Шарипова, В.Романова, Г.Ҳамроева, М. Ҳайдарова, Д.Юнусоваларнинг хизматлари беқиёсдир. Ансамблда хонандалар А.Шукуров, Х.Лутфуллаев, Э.Рўзиматовлар фаолият кўрсатганлар, раққоса кизлар ҳам созандалар билан биргаликда “Интизор”, “Улок”, “Ўзбегим” каби лапарларни ижро этганлар. Рақслар М.Турғунбоева, Г.Измайлова, Г.Валломатзода, И.Окилов, Қ.Миркаримова, А.Дилбозий, М.Эргашева ва бошқа хореографлар томонидан сахналаштирилган. Ансамблнинг етакчи раққосалари Р.Султонова, Г.Низомова, Р.Адамбоева, Е.Тўхтаева, О.Ёкубовалар ҳисобланса, Н.Тўрахўжаев, И.Ҳамдамов, К.Мирзаев, М.Фозилжоновлар истеъдодли созандалар саналар эди”, - деди у.



Санъатшунос Г. Мусаева “Баҳор” ансамблининг турфа хил дастури ва уларнинг яратилиши ҳақида сўзлаб берди. “Ансамбль репертуаридан 200 дан ортиқ яқка ва оммавий рақслар ўрин олган бўлиб, улар ўзбек халқининг кўп асрлар мобайнида тўпланган анъанавий рақс маданияти билан жаҳон замонавий рақслари ютуқларини мужассам этган. Ансамбль “Занг”, “Давра”, “Катта ўйин”, “Танавор”, “Лазги”, “Муножот” ўзбек мумтоз рақслари сингари тарихий-этнографик ва замонавий халқ рақслари асосида янги сахна рақсларини ижод этди. Дастурларимиз Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига хос рақслар билан ҳам бойиди. Фаргонача, наманганча, андижонча, бухороча, тошкентча, самарқандча, хоразмча рақслар қаторида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча халқлар ва қорақалпоқ халқининг рақслари ансамбль дастуридан ўрин олган. Кўп йиллар давомида “Баҳор вальси”, “Дилдор”, “Фаргона рубойси”, “Гулноз”, “Наманган олмаси”, “Андижон полкаси”, “Пиёла” сингари фаргонача услубда яратилган рақслар, шунингдек “Самарқанд бешқарсаги”, “Бухоро давраси”, “Хоразм лазгиси”, “Қирқ киз”, “Нилуфар”, “Оқ олтин”, “Дугоналар”, “Шўхи пари”, “Нозанин”, “Гулдаста” каби рақслар томошабинларга манзур бўлиб келган”.



Хонанда ва мусиқачи М.Шокиров ансамблининг концерт дастурлари ва гастроллари, танловлардаги иштироки ва ютуқлари ҳақида ҳикоя қилди. “Ансамбль Ливия, Мароқаш, Жазоир, Тунис, Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Покистон, Афғонистон, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларда гастролда бўлган. У турли халқаро фестиваллар иштирокчиси ва совриндори. Сўнгги йилларда “Баҳор” ансамблининг “Беш гўзал”, “Тўёна”, “Ўзбекистон кизлари”, “Наврўз”, “Муқаррамахоним ўйнаса”, “Баҳор нашидаси”, “Эркалаб”, “Ўзбекистон истиқлоли”, “Мажнунтол” каби оммавий ва композицияли рақслари катта шухрат қозонди ва ўзбек хореографияси “Олтин фонди”дан муносиб ўрин эгаллади”.

Тадбирда “Баҳор” ансамбли тарихи, фаолияти, иштирокчилари, концерт дастурлари ва хорижий сафарлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлардан парчалар намоиш этилди ҳамда раққоса кизлар ижросида “Баҳор” ансамбли раққосалари яратган гўзал рақслар тақдим этилди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойёсида эса санъатшунослар Е.Қори Ёкубова ва Г.Мусаевалар томонидан тақдим этилган расмлардан ташкил топган кўрғазма очилди. Кўрғазмада М.Турғунбоева номидаги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар ўрин олган.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси матбуот хизмати